



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 14 август, №165 (3277)

Пайшанба



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов Жаноби Олийларига

Хурматли Президент жаноблари, Утган йили Тошкентда бўлиб ўтган учрашувимизни ва Сиз томонингиздан изҳор этилган меҳмоннавозликни мамнуният билан эслашман. Шу пайтатда Германия ва Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиш жараёнига муҳим ҳисса қўшдилар.

Бергани туғайлигина содир бўлди. Бу учун Сизга самимий ташаккуримни изҳор этмоқчиман. Бизнинг ҳамкорлигимиз нафақат Афғонистонда, балки бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни тиклашга хизмат қилади. Айни пайтда у бизнинг самимий муносабатларимиз ва ўзини оқлаган Германия — Ўзбекистон дўстлигининг ифодасидир.

Хурмат ила, Герхард ШРЕДЕР Германия Федератив Республикаси Федерал Концлери

Берлин шаҳри, 8 август 2003 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Балиқчилик тармоғида хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш жараёнини чуқурлаштириш, балиқ овланиши ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишига бозор принциплари ва механизмларини жорий этиши, тармоқни янада монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини шакллантириш, шунингдек балиқ овланиши, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбалиқ" акциядорлик компаниясининг фаолиятини ташкил этилишини тегишли буйича 2003 йил 18 мартдаги Ф-1728-сон фармойиши билан ташкил этилган Махсус комиссиянинг: "Ўзбалиқ" акциядорлик компаниясини ва "Қорақалпоқбалиқ" уюшмасини туғатиш; тугатилган "Ўзбалиқ" акциядорлик компаниясини таркибидан чиқариш ва балиқчилик тармоғининг балиқ овланиши ва асосан хусусий мулкчиликка айлантириш тўғрисидаги тақдирларини розилик берилсин.

- 2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибидан Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бош бошқармаси, вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларида эса — чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилганлиги, уларга балиқчилик хўжалигини ривожлантириш функциялари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

- 3. "Ўзбалиқ" акциядорлик компаниясининг фаолиятини ташкил этилишини тегишли буйича Махсус комиссия Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирликтида балиқчилик тармоғининг балиқ овланиши ва асосан хусусий мулкчиликка айлантириш бўлимида ташкил этилганлиги, уларга балиқчилик хўжалигини ривожлантириш функциялари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 13 август кун Оқсаройда АҚШ Қуролли қучлари марказий кўмондонлиги бош кўмондони генерал Жон Абизаидни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният билдирди. — Биз мамлакатимизнинг АҚШ билан муносабатларига алоҳида аҳамият

берамиз, — деди Ислон Каримов. — Барча йўналишлардаги алоқаларимизни юксак қарлаймиз. Ж.Абизаид халқаро аксилтерор коалициясини қўллаб-қувватлаб келаётгани учун Ўзбекистон раҳба-

рийига АҚШ ҳукумати номидан яна бир бор миннатдорлик билдирди. Ўз мамлакатининг бу боралдаги сай-ҳаракатларига юқори баҳо беришини таъкидлади. Сўхбат чоғида икки

мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш, террорчиликка қарши кураш, минтақавий ҳавфсизликка оид масалалар муҳокама қилинди.

(Ў.А.) СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

ИМКОНИЯТ ЭШИКЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

И. Жўрабеков бошқари. Вилоятда бугун 6 минг 711 та фермер хўжалиги фаолият юртайпти. Фермерлар бу йил бултургидан 25 минг тонна күп - 125,7 минг тонна бошоқдон еттиштирди. Бу вилоятда тайёрланган доннинг 25 фоизига тенг. Давлатга билан аҳоли режаси орғини билан аҳоли этилди. Уртачириқ туманида-

ги "Саидовул", "Эгамберди-Карвон", Охангарон туманидаги "Авазхон" фермер хўжаликларининг бу боралдаги ютуқлари, айниқса, салмоқли. Мулоқот чоғида зарар қўриб ишлаётган, паст рентабелли ширкат хўжаликларини тугатиш ва босқичма-босқич фермер хўжаликларига айлантириш энг тўғри йўл эканлиги

таъкидланди. Бунда тендер танловлари ўтказиш сифати ва самарадорлигига катта эътибор бериш лозим. Таъбирда фермерлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишти. Мулоқотда Республика Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов, Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақуллов иштирок этиди.

орасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган санъат ва маданият илохомандларини уратини мумкин.

Фестивалда шунингдек, Польша, Миср ва Кения каби йигирмага яқин мамлакат вакиллари ўз маданиятларини намойиш этишти. Ўзбекистонлик усталар томонидан яратилган ўзига хос ўймакорлик, сополчилик ва каштанчилик каби қатор амалий санъат намуналари фестивалда ташриф буюрувчиларда жуда катта таассурот уюғди. Японияликлар серкўб Ватанимизнинг иждоқор халқига хос юксак истеъдодига яна бир бор амин бўлишти.

Б. АЛИМОВ, «Жаҳон» А. А. Токио.

Ўзбекистон — «Мегуро Риверсайд» халқаро маданият фестивалида

Япония пойтахтидаги ушбу халқаро маданият фестивалида Ўзбекистон Республикаси кўргазмаси алоҳида муваффақият қозонди. Уч кун давом этган фестиваль чоғида диёримиз маданияти билан йигирма мингдан зиёд томошабинлар яқиндан танишишти.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон кўргазмаси республикамиз давлат Мустақилликнинг 12 йиллигига бағишланди. Бу воқеа ана шу улуғ айём арафасидаги байрам тадбирлари мамлакатимиз чегарасидан чиқиб, жаҳоннинг бир қатор давлатларида ҳам бўлиб ўтганлигига эркин мисолдир. Байрамнинг расмий очили-

ши маросимида фестивалда иштирок этаётган барча хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, Токиодаги қатор давлат ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари, таниқли маданият ва жамоатчилик арбоблари ҳамда етакчи оммавий ахборот воситалари мух-

бирлари қатнашишти. Маросимда қайд этилгандек, ушбу фестиваль бу гал ўзгача байрамона руҳда ташкил этилди. Таъкидлаш ўринлики, йилда бир мартаба ўтказиладиган мазкур тадбир маҳаллий аҳоли учун ўз фаслидаги энг қизиқарли воқеалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам байрамга ташриф буюрганлар

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Қуролли қучлари марказий кўмондонлиги бош кўмондони, генерал Жон Абизаид Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Солиқ Сафоев билан учрашди.

Учрашувда томонлар минтақавий ҳавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши биргалликда курашиш ҳамда Афғонистонда барқарорликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашти. Бу боралда Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

Шу кунни Ж.Абизаид Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қодир Фуломов билан ҳам учрашди. Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(Ў.А.)

Пойтахтимизда

ИШБИЛАРМОНЛАР БИЗНЕС-СЕМИНАРИ

ТОШКЕНТ (Ў.А. мухбири Саидмурод РАҲИМОВ).

Россия Федерацияси Татаристон Республикаси Бош вазири Рустам Минниханов раҳбарлигидаги ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон дондалари вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда Татаристон Бош вазири Рустам Минниханов бошқарили.

Яқинда Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг мамлакатимизга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари Ислон Каримов билан биргаллик муҳокама этилган масалалар Ўзбекистон ва Россия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш ҳаёт тақозоси эканлиги ана бир бор исботланди, дея таъкидланди семинарда. Бу боралда, айниқса, Россиянинг иқтисодий ривожланган ҳудудлари билан ҳамкорликни кенгайтириш юқори истиқболга эга. Татаристон ҳам Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётган ўлкалардандир.

— Ташрифининг давомида Ўзбекистоннинг таниб бўлма даржада ўзларни келтиришига тўғр бўлиб, — деди Р.Минниханов. — Мамлакатимиздаги илғобий янгиланишлар деярли барча соҳада ўз аксини топган. Буларнинг барчаси Президент Ислон Каримов раҳбарлигида амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг самарасидир. Ўзбекистон билан Татаристон халқи ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Биз Ўзбекистонни ўзининг муҳим иқтисодий ҳамкоримиз, деб ҳисоблаймиз. Бинобарин, Ўзбекистон билан Татаристон ўртасида халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш катта истиқболга эга.

Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йили Ўзбекистон билан Татаристон ўртасида савдо айланмаси микдори 2001 йилга нисбатан 94,8 фоизга ўсган. Айни пайтда Татаристонда Ўзбекистон сармоядорлари иштирокида бешта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бизнес-семинарда меҳмонларга Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва сармоя жалб қилиш имтиёзлари ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, ўзбекистонлик ишбилармонлар ҳам Татаристоннинг иқтисодий имкониятлари тўғрисида етарлича маълумот олди.

Семинарда кичик ва ўрта бизнес соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди. Икки мамлакат ишбилармонлари биргалликда қўшма корхоналар ташкил этиш истиқболлари ҳусусида фикр алмашти.

Жойлардан хабарлар

Газетадаги мақола — бош мавзу

Республика «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан ўқувчи-табабалар, аскарлар, маҳаллалар ёшлари билан турли мавзуларда сўхбатлар, учрашувлар ўтказмоқда.

Яқинда «Н» ҳарбий қисмида уюштирилган мулоқот «Халқ сўзи» газетасида босилган «Нини ўзбек йили энг марказдан келган қонуи пособонларнинг қирқдорлари ҳақида» сарлавхали мақола муҳокама қилинди.

Мақола муҳокама этилган бўлмай учрашувлар Жижзах шаҳридаги «Қўтарма» маҳалласида ҳамда «Ватанлар» ташкилотининг вилоят бўлимида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

Даволаниш учун Германияга

Кеча «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг «Пис Виллаж Интернешнл» ташкилотини ҳамкорлигида навабдаги хайрия тадбири ўтказилди.

Республикамизнинг Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 15 нафар бемор бола даволаниш учун Европа мамлакатлари касалхоналарига юборилди.

Гап шундаки, ўтган йилнинг июль ойида «Пис

Спорт маҳсулотлари кўргазмаси

Бухоро шаҳридаги «Семур» спорт мажмуалари Тошкент, Наманган, Фарғона ва Бухородаги 25 та корхонада тайёрланган спорт қиймалари ва жўзалари кўргазма савдоси очилди. Кўргазма вилоят ҳокими ва «Ўзбекистонга» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада Бухоро энгил ва озиқ-овдат саноати технологиялари институти талабалари ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Дастлабки ҳафтада кўра, ярмарка давомида 500 миллион сўмлик спорт молларини сотиб олиш учун шартномалар тузилди.

Хуршид РАУПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» назоратида

ҚИШЛОҚ ГАЗ БИЛАН ТАЪМИНАЛАНАДИ

олдик. Унда таъкидланишича, текшириш жараёнида «Сурхондарёгазтаъминот» шўба корхонаси томонидан «Ободон» ширкат хўжалиги, «Қўлтёпа» қишлоғига 2002 йил давлат маблағи ҳисобидан режа асосида юқори босимли газ қувури қурилганлиги ва ўрта босимли мос-

ламадар ўрнатилганлиги аниқланган. Бундан ташқари ҳар бир хонадонда дойида хўжалиқлари тайёрланиб, газ хисоблагич асбоблари ўрнатилиб, монтаж ишлари бажарилган. «Сурхондарёгазтаъминот» шўба корхонаси хонадонларини таъмин қилган таъминлангани билдирилган.

«Туркистон-пресс».



Шурчи тумани «Ободон» ширкат хўжалиги, «Қўлтёпа» қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаролар таҳририятга қишлоқ табиий газ билан таъминланмагани ҳақида шикоят хати йўллаган эди. Хат газетада босилган. Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Х.Рамазонов имзоси билан расмий жавоб

«Обод маҳалла йили» дастури: ЖОРИЙ ИШЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимидаги «Обод маҳалла йили» дастури бажарилишининг бориши бағишланган йилгилик ҳисобидан таҳлил қилинди. Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, «Обод маҳалла йили» дастурини амалга ошириш бўйича тузилган комиссия аъзолари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этиди. Жорий йилнинг ўтган етти ойида «Обод маҳалла йили» дастурининг бажарилишида са-

марали натижаларга эришилди. Жумладан, маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича 2625,0 миллион сўм маблағ ва 7022,2 миллион сўм кредит ажратилди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бир минг 463 кам таъминланган оилага 1000,4 миллион сўм маблағ ажратилди. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида 100 минг 961 янги иш ўрин яратилди. Масалан, Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани «Чувул-

лок» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Ерақиев ўз маблағи ҳисобидан янги, замонавий маҳалла гузарни қуришида алоҳида ташаббус кўрсатди. Маҳаллада иккита бичиш-тикиш цехи ишга туширилди, болалар спорт майдончаларини қуриш ишлари учун ўз маблағини сарф этди. Тошкент вилояти Қўйраб тумани «Ерарик» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раим Арслонов ташаббуси билан

(Давоми 2-бетда).

Маърифат улашувчи марказ

Тадбиркорликнинг тури кўп. Аммо кишилар қалбига маънавият уруғини сиғдираман, одамларга маърифат улашман, дея эзгу ният қилган тадбиркорлар санокли бўлса керак. Негаки, самараси ҳадеганда кўза яққол ташланавермайдиган ёки кундалик даромад манбаи бўлмайдиган, аммо ўта маъсуляти ишга ҳар қим ҳам қўл урармайди. Бунинг учун кишида пухта билим, ташкилотчилик қобилиятидан ташқари ён-атрофларига улашга қўл биладиган меҳр, уларнинг қалбидангина уқа оладиган зийраклик зарур.

Вилоятда ягона «Нутқ ўстириш маркази» ҳақида эшитганимда, унинг фаолияти билан яқиндан танишишни ният қилиб кўйган эдим. Яқинда жамоанинг навбатдаги тадбири — «Маърифат бахшида умрлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳамда «Инсон хотираси азиз» ёдномасининг тақдирот маросимига тақдир этишди.

Жиззах туманидаги Алишер Навоий номи ҳужалик ҳудудида жойлашган иқтисодий коллежнинг муҳташам зали кишилар билан диқ тулган.

Тадбир иштирокчилари билан сўхбатлашамиз.

— Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги арафасида ташкил этилган «Нутқ ўстириш маркази» тил ўргатиш, илм бериш билан бирга аҳоли ўртасида

миллий маданиятимизнинг юксалишига хизмат қила бошладим, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Эргаш Сиддиқов. — Тумандаги 10, 16, 29-мактаб ўқитувчиларининг таъкидлашича, марказга қатнаётган ўқувчиларнинг маънавият

барча фанлардан улаштиришлари яхши. Уларнинг ўзларини тутишлари, юриш-туришларидаги, дунёқарашларидаги ўзгаришлар синфдошларига ҳам ижобий таъсир этмоқда.

Бу сўзларни эшитиб, «Сал охириб юришмадимкин», деган фикрга ҳам бордик. Марказ, аслида, нима билан шуғулланиди? Фаолиятидан мақсад нима? — деган саволлар туғилди.

Омма ўртасида миллий нутқ маданиятини ривожлантириш, кишиларнинг эркин фикр юритишига кўмаклашиш, ҳоркири тилларни ўргатиш каби мақсад-вазифалар ёзилган марказ Низомида.

Марказ директори Захро Муминова ўтган йили марказ ташаббуси билан 75 нафар ўс-ул хотирасига атай «Ҳамон ёдимизда» китобчаси нашр этирилганини айтди.

Х. Олимжон номи 16-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Раъно Бахридинованинг иккита

шёр китобчаси чиқарилган. Номлари анча танилиб қолган Зухра Эгамова, Вазира Ҳайдарқулова, Самаржон Алиев, Ҳолида Қосимоваларнинг ижодларини шакллантириб, рўздантираётган ҳам шу марказ.

Қишлоқ шароитида ёшларни турли тест синовларига тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Марказга қатнаётганларнинг борадаги тажрибаси, илми шарафдорликдан қилишмайди. Бу йилдан бошлаб ўқитқиларини тест синовларига тайёрлаш машғулотлари илмий йўлга қўйилган ҳам айна мўдао бўлди. Марказ режасида олий ўқув юрлари билан биргаликда турли танловлар, кечалар ўтказиш ҳам бор. Ҳомийлар кўмағида нутқи турма заиф ўқувчилар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этишмоқчи. Бу саволи ишга ҳам тезда киришилади.

Ўқорида эслатилган Низомида ҳоржий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги мутахассислари билан амалий ҳамкорлик қилиш ҳам кўзда тутилган.

Хуллас, кўпчилик учун янгилик бўлган кичкина жамоанинг ширин, эзгу ташвишлари катта.

Бахриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси мажлисида истиқлол айёмига бағишланган барча тадбирлар «Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники» шiori остида ўтказилиши алоҳида таъкидланди. Зеро, ҳар қандай байрам одамлар руҳини кўтариб, уларнинг қалбига, юрагига кириб боргандагина ўз вазифасини тўла адо этган бўлади. «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқ байрами ана шундай тантаналардан бири. Бу йил ҳам энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик арафасида бўлиб ўтадиган мазкур тадбирга катта тайёргарлик кўрилди. Республика маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон кўшиқ байрамни ўтказиш ишчи гуруҳи раҳбари Эркин ЭРНАЗАРОВ билан мулоқотимиз ана шу ҳақда.

«ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МАНИМ»

кўшиқ байрамининг якуний босқичи 15 августда Миллий театрда бўлиб ўтади

ажралмас қисмига айланиб кетганлигини эътироф этди.

— Энди бевосита Ўзбекистон кўшиқ байрами ҳақида фикрлашасан?

— Юртимизда мустақиллик йилларида янгича маданий тадбирлар пайдо бўла бошлади. Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, «Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори» халқор фестиваллари фикримиз исботидир.

Муסיқа санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшадиган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқлар кўрик-танлови ҳам ана шулардан бири. У илк бор 1995 йилнинг декабрида эълон қилинган эди. 1996 йилнинг март ойида эса пойтахтнинг «Баҳор» концерт залида биринчи босқичи бўлиб ўтди. 54 мингдан зиёд санъаткор ижросида 10 мингдан ортиқ кўшиқ янгради. Мазкур кўрик-танлов Ватаним севиниш ва мустақилликни улуғлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. 1996 йилнинг 27 августда «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқ байрами ҳақида махсус Фармон, сўнг ҳукумат қарори қабул қилинди. Унда ушбу кўрик-танлов халқимиз маданий-маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлган, минглаб фу-

қаролар томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинган, кўтаринки руҳ билан қўлаб-қувватланганлиги қайд этилди. Ва «ҳар йили август ойининг учинчиси яқинбаси «Ўзбекистон, Ватаним меним» кўшиқ байрами кўни» деб эълон қилиниши таъкидланди.

Халқнинг кўшиққа эҳтиёжи кучли бўлгани ва республика раҳбариятининг кўшиқчилик санъати ривожига эътибори асосида бу байрам ҳар йили нишонланаётган. Мамлакатимизнинг ҳамма жойларида босқич-ма-босқич, ўқув юрлари ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ ва туманлар, шаҳар вилоятлар, сўнгра пойтахт Тошкентда ўтказилмоқда.

— Ишчи гуруҳи раҳбари сифатида байрамга тайёргарлик жараёни кўнгилдагидек ўтди, де олмасизми?

— Бу йил тўққизинчи бор ўтказилаётган кўрик-танловга йил бошидан пухта тайёргарлик кўрилди. Ташкилотчилар — Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон» эстрада бирлasmаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Узелдер» компанияси, Ёзувчилар ва Бас-такорлар уюшмалари ҳамкорликда ишлади. Уларнинг мақсадлари муштарак: «Ўзбекистон—Ватаним ма-

ним» ғоясини мадҳ этувчи, бунёдкор, меҳнаткаш халқимизни улуғловчи, инсонлар қалбига муқаддас Ватан туйғусини, Мустақилликни кўз қорачиғидек авайлаб-асраш, зарур бўлса жон фидо қилишга ундавчи юксак баъдий савияда муסיқа асарлари яратиш ҳамда кўшиқ байрамни юқори даражада ўтказиш.

Кўрик-танлов маҳалла, ўқув юрлари, туман, шаҳар, вилоят босқичларидан сўнг Маданият ишлари вазирлиги тизимида ўтказилди. Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Мудофаа, Ички ишлар вазирликларидан бўлиб ўтган танловлар якуний босқич иштирокчиларини аниқлаб берди.

Кўшиқ байрамида беш йўналишдаги ижролар тингланган. Улар мақом, хор, академик, фольклор ва вокаль-чолгу ижроларидир. Муסיқанинг ўзинга хослиги, матннинг янгилиги, мазмундорлиги, Ватанга муҳаббат ва истиқлолга салоқат ғояларини баъдий юксак савияда акс эттириш ҳам алоҳида баҳоланади. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли хонанда Фаррух Зокиров бошчилигида тузилган ҳакамлар ҳайъати ўта талабчан. Битта биринчи, иккинчи, учта раббатлан-тирувчи мукофотни олиш


осон кечмайди. Кўшиқ байрамнинг гала концерти 17 августда «Халқлар дўстлиги» саройида бўлиб ўтади. Унда ғолиблар билан бир қаторда аввалги йилларда ғолиб бўлганлар, ёш истеъдод-у, таниқли санъаткорлар ҳам қатнашадилар.

— Ҳар қандай тадбир маълум бир мақсадга йўналтирилган бўлади. Кўшиқ байрами ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни адо этмоқдими? Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, у халққа нима бермоқда?

— Биринчидан, ўтган йиллар мобайнида қатор янги кўшиқлар яратилдики, улар муסיқа санъати ҳазинасидан нуносиб жой олишга улгурди. Иккинчидан, янги-янги истеъдодлар кашф этилди. Биринчи марта кўшиқ байрамида сахнага чиққан Илҳом Фармонов, Севара Назархон, Лариса Москалëвалар — бутун республикада хизмат кўрсатган артист. Энг асосийси ўн минглаб санъаткорларга ўзинларнинг иштиёқи ва истеъдодини кўшиқ байрамлари орқали намойиш қилиш имконияти яратилди. Улар гарчи профессионал санъаткорлик йўлини танламаган бўлса-да, янги ҳаваскорлик дастларни ташкил топмоқда. Учуниндан, байрам баҳона, халқ маданий мероси ва мумтоз кўшиқчиликка эътибор кучайтирилди. Ҳаваскорларнинг ўзлари қадим маданий-маънавий меросимизни излаб, топиб, уларга янгича сибал бериб, асрлардан-асрларга озгаки ижод орқали ўтиб келётган кўшиқларга иккинчи умр бахш этишди. Бу айнан Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва «Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори» халқор фестивалларида яққол кўзга ташланган; республика ҳар бир вилояти ҳудудининг халқ ашуулари, лаларлари-ю достонлари янгича талқинда янграмоқда. Ва ниҳоят тўртинчидан, кўшиқ байрами ҳар бир ўзбекистонлик қалбига, «Ватаним севмоқ иймондандир», деган мўътабар каломни нақшламоқда.

«Халқ сўзи» мухбири
Гулҷехра ЙЎЛДОШЕВА
сўхбатлашди.

Божхоначилар ҳушёр



Божхоначилар мамлакатимиз моддий бойлиқларини асраб-авайлашга ҳисса қўшаётган юрт фидойиларидир. Уларнинг хизматлари босиб мамлакатимиздан ноқонуний йўлар билан чиқиб кетиши мумкин бўлган қанчадан-қанча моддий бойлиқлар ушлаб қолинаётган. Шу ўринда Қўнғирот тумани ҳудудидagi «Даутота» божхона пости жамоаси хизматлари таҳсинга лойиқ. Даллаларга эътибор беришдан бўлса, қисқа давр оралиғида мазкур постда иш тўртта божхона қонуналарини бузиш ҳолатлари аниқланди. Шунинг ўн уч ҳолатида маъмурий жавобгарлик иши кўзга тилиб, тегишли чоралар қўлланилди.

Ўз касбининг фидойилари бўлган божхоначилар ўз постларида ҳамини ҳушёр.

СУРАТДА: Қўнғирот туманидаги «Даутота» божхона хизмати пости фаолиятидан лавҳа. **Омонбой МУРОТОВ (Ўза)** олган сурат.

Халқимизнинг эзгу фазилатлари ҳақида ҳўб ва кўп гапириш мумкин. Катта-катта ишларни урдалаб, мактов эшитганида «Ха, энди бурчимизда», деган камтар инсонларни ёки қанчалоб одамларнинг ҳолатини чиқариб юрган ҳожатмандларни кўриб, эшитиб гурурланамиз. Шукрим, савобталаб кишилар сафи кейинги пайтларда ҳам кенгаймоқдаки, камайгани йўқ. Бу хислатлар қаторида халқимизнинг севиниб қилиши, ориятлиги айниқса, муҳим ҳақиқат касб этди. Айтилики, оила аъзоимиздан кимдир бўлиб, билмай айбли иш қилиб қолди. Ҳе шубҳа йўқки, кўнгилмизга ёки тилимизга келган илк фикр шундай бўлади: «Маҳалла-кўй олдидан нима деган одам бўлди?» ёки «Маҳаллада энди қандай бош кўтариб юраман?».

МУНОСАБАТ О ТАЛАР РЗУСИ

Сир эмаски, аксарият ҳолларда бундай ҳолатга фарзандларимиз туфайли рубўру келамиз. Афсус надоматлар чекамиз. Бу кўнгилсизликнинг бош сабаби эса беш қўлдаги аён: тарбияга эътиборсизлик, тизгинини бўш қўйиб юборишдир. Давр ота-онадан, устоз-муаллимдан, маҳалла аҳлидан ҳар бир бола тарбиясига жиддий эътибор ва муносабатда бўлишдикин тақозо этмоқда. Зеро, бутунги ёш авлод кенг йўлларга чиқиб, ғоят катта манзилларни қўлаб бораётган. Бу кўтаринчиликнинг сабаблари нимада? Албатта, ишончимизнинг, эзгу ҳаракатлар ҳисобига шаклланиган халқимизнинг бой таърибаси ва аъёнларни туфайлидир. Таъкидлаш жоизки, агар бутунги истиқлол бўлмаганида биз ардоқлаб турган булоқларнинг кўзлари очилармикан? Ўзбек, Ўзбекистон, деган номин дунё ақли билармикан?

Этибор берган бўлсангиз одамлар гавжум жойларда қуйидаги шнор пайдо бўлади: «Ўз уйингни-ўзинг асра». Мушоҳада қилганидан бўлса бу қаҳриқ шнорнинг замирида қандай маъно мужассамлашган? Албатта, уй бу — ватан. Уни асраш, авайлаш қоним инсоннинг фарзандлик бурчи.

«Дарё ҳас-ҳашаксиз оқмайди», деган нақл бор. Шу ўринда, кенг жамоатчиликни ташвишга солаётган айрим нуқсон ва иллатлар тўғрисида тўхталмоқчимиз.

«Тошкент-Ғазалкент» йўналиши бўйича кетаётган поезд машинист ёрдамчисининг савб-ҳаракати туфайли ҳолоқатдан сақлаб қолди. Ушбу йўналишининг 45-чи километ-

рида мол боқиб юрган бола-ларнинг вагонларга қарата тош отиши оқибатида поезд машинисти оғир ҳароҳат олди. Афсуски, бу каби ҳолатлар бир-иккита эмас. Тарбиясиз бола-лар вагонларга тош отиб, одамлар ҳаётига хавф туғдиarmoқда. Ақли ноқис кимсалар вагон ўриндиқларини пичоқ, қаламлар билан йўқ қилиш осон иш эмас. Биргина уларни бартараф этишнинг йўли тирноқини олиб туриш лозим бўлганидек, иллатларга кенг жамоатчилик бепарво бўлмасдан қарши туриш лозим.

Ота-онанинг улуг мақсадларидан бири фарзандларни камоллини кўришдир. Ота ўз фарзанди ҳақида халқдан: «Тарбия қилган отасига раҳмат», деган сўзини эшитса, севиниши, фарзанди орқали кўзлаган мақсадига этишини истади, неварани, эварларни кўриб, наслининг давом этишини орзу қилади.

Акс ҳолати?»

Бадрфелъ, ҳулқсиз, падалири шайнига тавқи-ламант олиб келувчи ноқобин фарзанд ота орзуларини поймаол бўлишини, кўнглининг дарз кетишини қандай тасаввур қиларкин?

Сандолм ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ажабо! Суддан беҳабар қолган фермер

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган тиб ислохотлар бугунга келиб, тиб маънода ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жойларда фермерлик ҳаракати тобора ривожланиб, ер ҳақиқий эгасини топмоқда. Бироқ уларнинг янада тараққий топишига зимдан сунъий тўсиқ қўяётганлар, орқаротдан иш юритиб, фермер ва деҳқонларнинг қонуний ҳақ-ҳўқуқларини поймаол этаётганлар ҳам йўқ эмас. Мана, битта ёрқин мисол: мен саккиз фарзанднинг онасиман, Собик Баҳористон (ҳозирги

Миришкор) туманидаги «Дўстлик» ҳўжалигида яшайман. 1991 йилдан эътиборан бригада бошлиғи бўлиб ишлаганман. Фермерликка кенг йўл берилган, эзгу оруз билан 45 гектар ер олиб, ҳўжаликда биринчилар қатори «Умид» фермер ҳўжалиғи ташкил этганман. Ушундан буён шу ерда галла, пахта, бошқа қишлоқ ҳўжалиғи ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириб келаялман. Зиммамдаги мажбуриятларни баҳоли қудрат адо этаялман. Бирок...

Шу йил 6 июль кўни кўчада турганим. Кўтилма-

ганда почтачи қўлимга бир хат тўтқазиб кетди. Очиб қарасам, Қашқадарь вилояти ҳўжалик судининг судьяси Я. Бозоров томонидан 18-0307/0825-сонли иш бўйича чиқарилган ҳат қилув қарори экан. Унда менинг фермер ҳўжалигим ҳисобидан тумани маънавият «Хўжамберди» фермер ҳўжалиғи фойдасига 25 миллион 3000 сўмлик зарар, бюджетта 212525 сўмлик, судга 37505 сўмлик давлат божи ундириш кўрсатилганди. Кейинчалик билсам, бу ҳақда хатто банкка ижро варақаси ҳам юборилган экан.

Тўғриси, судьянинг бундай ҳатти-ҳаракатидан қаттиқ ҳайратга тушдим. Ахир, мен бўлиб ўтган суд жараёнидан нега жавобгар сифатида мутлақо беҳабарман? Ёки ҳўжалик судидаги қарам-қарши тараф фикрларини олмасдан, уни муҳокамага қаҳирмасдан, низоли ишни дельвоғар иштирокчида бемалол биреклама кўравериб ҳўқуқига эгами? Ҳе йўқ-бе йўқ, бирининг бўйига шунча катта миқдордаги зарарини илиб қўйвериши мумкинми? Бу — биринчидан.

Иккинчидан, қайд этилган

санасига қараганда, мазкур хат қилув қарори жорий йилнинг 24 апрелида чиқарилган. Охирида суд ҳулосасидан норози томон бир ой мудат ичида апелляция шикоятини бериши мумкинлиги эслатилган. Аммо унинг нуҳаси менга, ҳоқ ишонинг-хоқ ишонманг, роппа-роса 67 кундан сўнг, аниқроқи, 1 июлда жўнатилган. Улганнинг устига тепангадй, менинг 11, 14 ва 15 июль кўнлари ёзиб берган эътиросомани суд ранси йўқдиги учун қабул қилишмади. Оқибатда учала сафар ҳам 100 километрдан ортиқ мақолада ортиқдан

маблаг ва вақт сарфлаб, ишимни битиролмай қайтиб келдим.

Хўш, бу ҳолатларни қандай баҳолаш мумкин: судьянинг қонунобузарлиги, ўз вазифасига лоқайдлиги дебми ёки фермер ҳақ-ҳўқуқини менсимаслиги дебми?..

Мен суд идораларида ҳам бунангаги тартибсизлик, аполатсизлик ва сансалорлик бўлишини, бошимга иш тушмагунга қадар, мутлақо ҳаёлимга келтирилмаганим. Энди эса улардан илҳосим қайтди.

Ҳайитой ҲАМРОЕВА,
Миришкор туманидаги
«Умид» фермер ҳўжалиғи
ранси.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳамда Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан қуйидаги объектлар биржа савдоларига қўйилмоқда.

№	Объектнинг номи	Манзили	Бино тури	Умумий майдони (кв.м.)	Бошланғич нархи, млн.сўм
1.	Савдо-манйш хизмат кўрсатиш блоклари (қурилиши тугалланмаган)	Фуркат кўчаси	3 қаватли, темирбетонли	3000,0	250,0
2.	«Нур» мажмуаси	Ҳ.Олимжон кўчаси	1 қаватли, ғиштли	1642,0	750,0
3.	Офис маркази	Халқлар дўстлиги шохкўчаси, 100-уй	12 қаватли, темирбетонли	8178,0	300,0
4.	Савдо қаторлари (қурилиши тугалланмаган) (Д,Н,К блоклари)	Ўзбекистон шохкўчаси,	2 қаватли, каркас-панелли ертўласи билан	4204,0	700,0
5.	Ҳ.Олимжон майдони, «Пойтахт» бизнес мажмуаси, ғарбий томон	Ҳ.Олимжон майдони	2 қаватли, каркас-панелли	4982,0	2000,0
6.	Маъмурий бино (ДЭУбанк)	Пушкин кўчаси, 1-уй	3 қаватли, ғиштли	1400,0	400,0

Савдоларнинг ўтказилиш тартиби ва уларда қатнашиш шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«а» уй, 210, 304-хоналар.
Телефонлар: 133-46-13, 133-22-98.

«Исон саломатлиги унинг ҳаракатлари, қилаётган ишлари бодик», деган эди Буюк Абу Али ибн Сино ўзининг китобларидан бирида. Дарҳақиқат шундай. Улут табибу борада, энг аввало, жисмоний ҳаракатни назарда тутган бўлса ажабмас. Агар эйтибор бериб қарайдиган бўлсак, ақлий меҳнат билан шуғулланган кишиларга қараганда жисмоний меҳнат қилувчиларнинг юриш-туришида ҳорғинлик унча кўзга ташланмайди. Улар биринчи тоифа кишиларига қараганда бирмунча бақувватроқ ва ҳаракатчанроқ бўлишади. Бунга сабаб, улар ҳар доим тоза ҳаво кўнрада, очик майдонда, ёндоқларда меҳнат қилишади. Иккинчи тоифа кишилари эса кўпунча бир жойда, бир қонда узу-кун ўтиргани боис кўп ҳолларда саломатликларидан нолиб қолишади. Бунинг устига, улар камҳаракат бўлишига натижа си маълу. Шунинг учун ҳам спорт ва жисмоний тарбия кишини ҳар томонлама чиқарилади, етукликка ундайди.

Шогирдлар устоз кўрса...

дларга ўқитишда устознинг ўрни муҳим. Бугунги кунда жисмоний тарбия дарсларини пада-партиш, номтага ўтказиладиган ўқитувчилар мутлақо йўл бермаслик керак ёки уларнинг малакасини оширишни маълу бўлган таълим даргоҳи ўз зиммасига олиши даркор.

Ҳўш, бугунги кунда таълим даргоҳларида жисмоний тарбия дарслари қай тариқа ўтказилмоқда. Мураббий ёки ўқитувчи давр талабларига жавоб бера олаётганими? Бу саволга афсуски, тўлиқ ишонч билан «ха» дея жавоб бера олмаيمиз. Чунки, республикамизнинг кўпгина жойларида ҳалиям ўттиш асоратларидан спорт дарсларини номинатига ўтишдан қутулиш қийин кечаяпти. Энди бу қуруллардан бутунлай халос бўлиш лаври келди. Бир пайтлар жисмоний тарбия дарслари футболни, қиз болалар волейболни тушунади. Бу «тушунча» айнакча қиллоқ жойларда кенг томир отган эди. Ўқитувчилар болаларга коптокни бериб кўйишиб (агар ўша копток бор бўлса), ўзлари дарс ту-

- Спорт ўқитувчисига фидойилик керак!
- Мактабларда жисмоний тарбия дарслари шунчаки ўтиладими?
- Копток тепган ҳар киши, бўлиб қолмайди Пеле...
- Голиблик — асосий мақсад эмас

дан эдик. Чунки спорт дарслари зериқарди ва мутлақо талабга жавоб бермас эди. Аммо янги ўқув йилдан бошлаб ҳаммаимиз ўзгардик. Чунки мактабимизга жисмоний тарбия дарслари берувчи янги ўқитувчи Фахриддин ака Курбонов келганди. У ўзининг дарс ўтишлари ва ҳаракатлари билан ҳақиқий спорт муҳлиси ва мураббий эканлигини исботларди. Ўқитувчи энг бирин-

чи ишни ўқувчиларнинг спорт кийимидан бошлади. Бир ҳафта ичида ҳаммаимиз махсус кийим билан спорт залига кийрадик. Кейин у бизни тизимсиз машқ қилларди, ҳатто кечқурунлари ва эрталаб югуришимизга назорат қиларди. Устозимиз ҳаммаимиз бирдек кўрарди, сен ундайсан, сен бундайсан, дейиш унга таоман ёт эди. Дардан ташқари пайтларда ҳам у машҳур спортчилар ҳаётидан қизиқарли воқеаларни айтиб бериб, бизга ҳам шундай спортчи бўлишни даъват этарди. Биз — ўғил болалигимизга бориб барбир футбол ўйнашни яхши кўрдик ва ўқитувчимиздан копток сўрардик. У йўқ демай бизга копток берарди ва ўзи ҳам қўшилиб ўйнади. Гапинг рости, футбол деган ўйиннинг қоида си бу қадар кўп эканлигини ана шу ўқитувчимиз келгандан кейин билдик. У бундай қоидаларни эримасдан тушунарди. Оралдан кўп вақт ўтмай мактабдаги аҳвол кескин ўзгарди — ўқувчилар жисмоний тарбияга дейилса, «тура-тура» лаб майдонга югургандан бўлиди.

КУЧ ҲАМ КЕРАК, БИЛИМ ҲАМ

Эртанги кун эгаларининг жисмоний тарбия ва спорт борасида етукликка эришиши учун фақатгина жисмоний куч камлик қилади. Айниқса, бугунги кунда — спортга алоҳида эйтибор бериладиган пайтда бунга шунчаки қараб бўлмайди. Усиб келаётган ёш авлоднинг, энг аввало, бошчада, мактаб ва шунга ўхшаш даргоҳларда ўқишини ҳисобга олиб, биринчи навбатда ишни ана шу ердан бошлаш лозимлигини англаб етанимиз. Негатки, бола ишонувчан, тасвирчан бўлади, уни мурғаклик чоғиданоқ етари тарзда тарбиялаш олдаскин на кўзланган мақсадларга эришиши осон кечди.



Мактабларда жисмоний тарбия дарслари сонини кўпайтириш, уларни ўтишда шунчаки эмас, балки юқори малакага таянган ҳолда иш олиб бориш, болаларни турли машғулотларга жалб этиш, уларда жисмоний кўникмани шакллантириш мақсада мувофиқдир. Турли беллашувларни ташқи этишдан мақсад фақат голибликка интилиш эмас, балки бунда чиқиқиш, руҳан покликни, қалбларда дустлик ва бирдорлик ришталарини мустаҳкамлаш каби жиҳатлар асосий ўринда турмоғини бо-

Ёшлар мураббийси

Андижонликлар пахтаободлик Фурқатжон Носировни каратэ бўйича ёшлар мураббийси сифатида яхши билишади. 3-ДАН қорабелбоқ соҳиби бўлган бу йигит виллоятдаги тайфун-каратэ клубининг бош мураббийси. Мазкур клубдан ўнлаб спорт усталари, чемпионлар етишиб чиққан. Аини кунларда ҳам 6 ёшдан 20 ёшгача бўлган 200 нафар йигит-қиз тайфун-каратэ билан шуғулланишаётири.

СУРАТДА: «Тошкент OPEN-2003» турнири совриндорлари Камолитдин Ортиқов, Азизбек Нуриддинов, Мансур Тўхлнбоев, Шерзод Абдураимовлар устозлари Фурқат Носиров билан.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Тасвирларда тарих ва жозиба

«Буюк ипак йўли ҳақида ҳақиқат» телефильмининг биринчи блоги суратта олинди ва «Ўзбекистон» телеканалидан намойиш этилдики, бу юртдошларимизда «Буюк ипак йўли» ҳақида тўлиқ тасавур пайдо бўлишига имкон яратиб берди.



Фильмнинг биринчи қисми «Сиань» деб номланади ва экспедиция ҳам худди мана шу шаҳардан бошлаб ўзининг илмий изланишларини бошлади. Чунки Сиань — милоддан олдинги III асрдан бошлаб қарийб 1000 йил ичида Хитой пойтахти бўлиб келган. Шаҳар ўшайта Чанан деб номланар эди.

Фильмни томоша қиларканмиз, Фитратнинг «Бирок, энг муҳими рўл адиб-ёзувчининг ўзларида», деган сўзларини елга олдик. Чунки сиенарий муаллифи Абдулла Ҳошимов, режиссёр ва тасвирчи Файрабдил Шуқуров, сўз устаси Муҳаммадjon Хўжаевлар жуда катта куч ва меҳнат қилишган.

Маълумки, темирйўллар даврида ипак йўли куридан заминдан энг энг тич, қатъий қонунларга асосланган халқаро савдо-сотик, маданий алоқалар воситаси бўлган. Бу эса миллатимиз «Буюк ипак йўли»нинг ҳақиқий вориси эканлигини дарак беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг илк йилларидаёқ Юртовимиз Ипак йўлини тиклаш ва уни замонавий йўлга айлантириш гоёсини олга сурди. Худди шу гоёнинг натижаси ўлароқ жуда қисқа муддатда Тошкент — Андижон — Қашқар йўли курилиб, фойдаланишга топширилди, бу халқимизнинг оруз-истакларини рўбга чиқарибгина қолмай, Мустақил Ватанимизни дунё мамлакатлари билан бўлган қадимий алоқаларини тиклашга ҳам хизмат қилади. Бу эса биздан Ипак йўлининг тараққийида авлод-аждодларимизнинг тутган ўрни билан кенг жамоатчиликни изчилроқ таништиришни тақозо

этиди. Фильмнинг мақсади ҳам шундан иборат.

...Иккинчи фильм Хитойда жуда кенг тарқалган буддизм билан боғлиқ. Бу шунинг учун ҳам фильм «Будда дини» деб аталади. Эйтиборли томон шундаки, мазкур дин Хиндистонда яшаб ўтган тарихий шахс, саксон йил умргузаронлик қилган Будда томонидан яратилган бўлса-да, унинг Хитойда кенг тарқалишида Мар-

бағишланган. Хитойдаги энг йирик дарёлардан бир — Хуанне шу шаҳар четидан оқиб ўтади. Уша вақтларда дарёдан ўтиш фақат қиш ойларида қарвондагиларга насиб этган экан. Муз эригандан сўнг эса, агар ўтиш лозим бўлса, 10-20 та эчки ёки бузоқ териларига ҳаво тўдирлиқ, уларни ёғочга боғлаб ясалган соғлар ёрдамида қарвон у қирғоқдан бу қирғоққа олиб ўтилган. Фильмда бундан ташқари, баландлиги унчалик катта бўлмаган XIII-XIV асрларда Байта (оқ минора) деб аталган минора, 1907 йили Германия компаниялари томонидан қурилган темир кўприк, ҳозирги йўл қурилишлари ҳақида қиройли қалпур орқали батафсил диққа қилинади.

Телефильмнинг 4-6 қисмлари милодий 36 йилги тоғни ўйиб барпо этилган Чяңфодунг ибодатхоналари билан машҳур бўлган Дунқунг шаҳри, 18 миллион аҳолиси бўлган Синцзян — Уйгур автоном тумани, қадимий шаҳар Қашқарга бағишланган. Зеро, «Девони лўлати турк» асари муаллифи Маҳмуд Қошғари шун юртлариди.

Элик етти ёшида 13 минг сатрлик машҳур «Қутадғу билик»дек асарини бизларга мерос қолдирган Юсуф Ҳос Ҳожибининг мақбараси ҳам Ҳайиттоғ майдонига жойлашган.

Хуллас, телефильм ҳам илмий, ҳам бадиий жиҳатдан пишқ-пухта ишланган. Уни суратта олишда «Узтайпўй» Давлат акциядорлик концерни, «Жаҳон» Ахборот агентлиги ва «Ипак йўли» тадқиқотлар марказини муассасалар яқиндан ёрдам берганлар.

Шарқу Фарби бирлаштирган, «Буюк ипак йўли» ҳақидаги телевизион ҳикоя ана даявом этади.

Камолитдин МИНГБОВ.

Бир неча марта туман ва виллоят мусобақаларида иштирок этдик. Уша пайтларда футбол бўйича туманда биринчи, виллоят иккинчи ўринни қўлга киритганимизни эсласан қўлдан узтиш керак. Бу локани бекорга эсладим. Гап шундаки, биргина ўқитувчи сал бўлмаса мактабнинг ҳамма ўқувчисини спортчига айлантираёди. Аммо не иложки, у пайтларда спортта, айниқса болалар спортига эйтибор умуман йўқ эди. Демак, болаларни спортга ошно этишда ана шундай филоли, ўз касбини теран тушунадиган ўқитувчилар керак. Усирилларнинг онгу шуурини фикрлари билан, ҳаракатлари орқали ўзига жалб этилган Фахриддин ака сингари мураббийлар лозим.

СПОРТ — КОПТОК ТЕПИШ ДЕГАНИ ЭМАС

Мактабларда жисмоний тарбия дарсидан сабоқ берадиган киши, энг аввало, бу соҳани ўзи чуқур англаб етса, спортнинг маълум бир тури билан шуғулланган бўлса ана унда ўқувчи тез таъбир курастиси мумкин.

— Бугунги кундаги жисмоний тарбия дари ўқитувчиларнинг олдига турган вазифалар ниҳоятга муҳим, — дейди бу борада фикрларини биз билан ўртоқлашган мураббий, республикада хизмат кўрсатган спорт устози Клара Шокиржонова. — Чунки спортга эйтибор бизга давлат сиёсати даражасида. Бугунги авлод қалбига фақат копток тепириш билан, бир неча километрлаб югуртириш орқали спортнинг асл моҳиятини сингдириб бўлмайди. Мураббийлар энг аввало Президентимизнинг «Биз спорт деганда ҳаммаимиз машҳур спортчи бўлиб етишимизни эмас, балки кишиларни спортта ошно тутишимизни тарафдоримиз» деган гапларини елда тутиб, ишга ёндошишлари лозим. Бола онгда бирор нарсага нисбатан тушунча пайдо қилишдан олдин чуқур мулоҳаза қилиш керак. Негатки, ўша тушунча эртага унга зиён қилмасин. Ҳар бир қадам, ҳар бир сўз фақат эзгуликка хизмат қилсин. Бу гошларни сингдиришда эса спортнинг аҳамияти беқисс. Юртовимиз бу соҳанинг ана шу жиҳатларини ниобатта олиб спортга юксак эйтибор билан қаршимизни ҳар биримиздан талаб этимоқдалар. Бу талаб эса нафақат спорт мутасаддилари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, балки ҳамма-ҳаммаимизнинг зиммаимизга бирдек масъулият юклайди.

Дарҳақиқат, шундай. Энди спорт борасидаги изоҳотларга шунчаки қараб бўлмайди. Спортга эйтибор фақат чемпионларни етиштириш эмас, жамятга соғлом турмуш тарзини шакллантириш, кишилар онгда унинг эзгулик асоси эканлигини янада теранроқ сингдириш, маҳалларда, ҳар бир оилада турли беллашувларни ташкил этиш деганидир. Шундагина ёшлар орасида ҳар ил пайтларга барҳам берилади, эртанги кунимиз пойдевори мустаҳкам бўлади. Демак, жисмоний тарбия маданияти, спортта иштиқин болалар қалбига олиб кириш учун ўқитувчиларнинг ўрни бўлакча.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎЗБЕКИСТОН ОЧИК ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ — КўМАК ЖАМФАРМАСИНИНГ

ГЕНДЕР ДАСТУРИ
2003 йил 29-30 октябрь кунлари
Бухоро шаҳрида ўтказиладиган
«ГЕНДЕР ВА ТАЪЛИМ: ИЛМ ВА АМАЛИЁТ»
мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этиш учун танлов эълон қилади.

Анжуманнинг мақсади: гендер таълими долзарб масалаларни муҳокама қилиш, гендер тадқиқотларини ривожлантиришни рағбатлантириш, олий ва ўрта таълим ўқув дастурларига гендерни тадбиқ этиш бўйича тажриба алмашиш ҳамда гендерни ўқитишнинг турли хил услубларини, шунингдек таълимга оид услубий тадбиқ этиш.

Анжуманда иштирок этиш учун юқоридаги мавзулар бўйича ўз тадқиқот ва маърузаларини танлов асосида тақдим этган муаллифлар тақлиф этилади.

Маърузалар ва чиқишлар матни (компьютерда терилган бўлиб, 10 бетдан ошмаслиги керак, электрон кўринишда Windows 98, Times New Roman, #11) 2003 йил 19 сентябргача тақдим этилиши лозим.

Анжуман ўзбек, рус ва англис тилларида олиб борилади.

Анжуманда иштирок этиш учун ариза ва маърузалар почта орқали қуйидаги манзилга юборилиши лозим: Тошкент шаҳри, Марказ-5, Амурс Темур кўчаси, 49-уй, 14-хонадон (Маълумот-ресурс маркази).

Электрон манзил: emeducenter@uzsci.net

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

СМАЗКИ (пр-ва России, Украины)

Смазка 1-13	Литол-24	Фиол-1
Графит. жир.	ШРУС-4	Фиол-2
Технолит.СВ-1	ЖРО	ИП-1 л/з
Прессолидол Ж	ЛЗ-ЦНИИ	Солидол Ж
Графит. Термост. «ТГШ»		Смазка 158
Графит. электропров. ж/д. «КЖ»		
Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»		Упаковка: 1л., 25 л., 200л.
Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.		

АВТОШИНЫ (пр-ва «Нижнекамскина»)

- 260 X 508R (к-т) грузов.
- 7,5 X 20 (шт.) С/х шини

АККУМУЛЯТОРЫ (пр-ва СП «Осиё-Батарея») по цене завода изготовителя

Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- П. ДЮГАЙ,
- Ш. ЖАВБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- Л. КУЧЕРЕНКО,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУХИДИНОВ,
- Ш. РИЗАЕВ,
- А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- М. САФАРОВ,
- И. ЎТБОСАРОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- А. ҲАЙДАРОВ,
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минақалар — 133-52-55;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва турizm — 133-10-17;
- Янгиликлар ва халқро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси билан 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 768, 22690 нуسخада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРНПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙҮЛДОШЕВА. Навбатчи — С. АНВАР. Мусоҳиҳ — М. СУЛАЙМОНОВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишда топшириш вақти — 21.00. Топширишди — 20.30
1 2 3 4 5 6

12 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари тахририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун тақлифларни қабул қилади.

Буюртмалар шу йилнинг 25 августигача қабул қилинади.

136-09-25, 132-10-03.

«Агрокерамика» ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ ҚўШМА КОРХОНАСИ

керамика плиткаларни ишлаб чиқарувчи корхона

206x206мм. ва 310x310мм ҳажмдаги

КЕРАМИКА ПЛИТКАЛАРНИ тақлиф қилади.

Маҳсулот Италиянинг замонавий технологияси асосида ишлаб чиқарилган бўлиб, жаҳон стандартлари талабига тўлиқ жавоб беради.

Биз сизларга хизмат кўрсатишдан мамнунимиз.

Манзилимиз: Тошкент ш., Бектормир тумани, Бинокор кўрғони, Зирот к., 7-уй. Телефон: 58-83-09.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар!

«ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

сизларни **КИСЛОВОДСК ВА ЯЛА** шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш шихатхоналарида табиат қўнида ҳордик чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишни тақлиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти жамоаси Котибият ходими Д. А. Болтаху-жаевага отаси Азизхўжа БОЛТАХУЖАЕВИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор қилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент ш., С. Азимова к., 65-уй. Телефонлар: 133-55-18, 132-13-67, 133-64-92.